

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Наманган вилоят бўлими номидан устав асосида фаолият юритувчи бўлим бошлиғи А.А.Джалилов бир томондан келгусида “Ижрочи” деб номланади ва Наманган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Наманган вилоят бўлими бошқармаси” (корхона, ташкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб номланади, ўзининг низоми (устави, ишончнома) асосида фаолият юритувчи бошқарма бошлиғи ўринбосари (лавозими) А.Юлдашев (Ф.И.О.) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. Шартнома предмети.

1.1 Мазкур шартнома бўйича “Ижрочи” тадқиқот ўтказиб, мутахассис фикрини бериш, “Буюртмачи” эса кўрсатилган хизматлар учун шартноманинг 7.1.-бандига мувофиқ тўловни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Т/р	Хизмат тури ва мазмуни	Сони	Нархи	Баҳоси
1.	Фуқаро Тошматова Сайёра Содиқжоновнага тегишли бўлган Наманган вилояти, Поп тумани, Уч уйли МФЙ, Амир Темур кўчасида жойлашган “Давлат хизматлари маркази” бино ва иншоотларини баҳосини аниқлаш бўйича мутахассис фикри (оддий) учун	1	945 000,00	945 000,00
	ЖАМИ:			945 000,00

1.2. “Буюртмачи” “Ижрочи”га тадқиқот ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўлик тақдим этмаса, “Ижрочи” томонидан мутахассис фикри берилмайди ва тўланган пул “Буюртмачи”га қайтарилмайди.

II. Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

2.1. “Ижрочи” ҳақли:

тадқиқот ўтказиш учун зарур ҳужжатларни ва тадқиқот ўтказиш учун белгиланган тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи тўлов паттасини талаб қилишга.

2.2. “Ижрочи” мажбур:

шартномадаги мажбуриятларни белгиланган муддатда бажаришга;

III. Буюртмачининг ҳуқуқ мажбуриятлари.

3.1. “Буюртмачи” ҳақли:

шартномада белгиланган хизматлар кўрсатишни талаб қилишга;

3.2. “Буюртмачи” мажбур:

тадқиқотларни ўтказиш учун зарур ҳужжатларни тақдим этишга;

шартномага асосан белгиланган миқдордаги тўловни 30 фоизи амалга оширилганлигини тасдиқловчи тўлов паттасини тақдим этишга.

3.3 Буюртмага асосан хизматлар тўлик бажарилгандан сўнг, ҳисоб вараққа мувофиқ, қолган тўлов суммасининг 70 фоизин амалга оширишга.

IV. Хизматларнинг нархи.

4.1. Мутахассис фикри бериш учун тўлов суммаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан тасдиқланадиган таъриф бўйича ҚҚС сиз 945 000,00 (Тўққиз юз қирқ беш минг) сўмни ташкил этади.

V. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

5.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар: коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларини амалга оширмаслик;

шу жумладан пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида давлат хизматлари агентлиги

ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муайян ҳаракатларни бажармаслиги шарт.

Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар.

5.2. Агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Агентлик ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган хатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этилганлиги ҳақида қуйидаги алоқа каналларига мурожаат қилиш мумкин:

Давлат хизматлари агентлигининг “1148” рақамидаги ишонч телефони ёки “1008” Адлия вазирлигининг ишонч телефони орқали;

Агентликнинг (“@davxizmataloqa_bot”) ҳамда Адлия вазирлигининг (“@anticorbot”) телеграм каналлари орқали; Агентликнинг (davxizmat@exat.uz) электрон почтаси орқали.

VI. Хизматлар кўрсатиш муддатлари.

6.1. Тадқиқотларни ўтказиш, кўрсатиладиган хизматнинг ҳажми ва мураккаблигига қараб 30 кунгача белгиланди. Тадқиқотларни ўтказиш шартнома имзоланиб, тадқиқот ўтказиш учун ҳужжатлар ҳамда белгиланган тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи тўлов паттаси тақдим этилгандан кундан ҳисобланади.

6.2. Тадқиқотларни мазкур шартноманинг 6.1.-бандида белгиланган муддатда бажариш имконияти бўлмаган тақдирда, “Ижрочи” ва “Буюртмачи”нинг ўзаро келишувига кўра, қонун ҳужжатлари доирасида қўшимча муддат белгиланиши мумкин.

VII. Тўлов тартиби.

7.1. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўқазилган кундан бошлаб 10 иш куни ичида “Буюртмачи” Шартноманинг 4.1-бандида кўрсатилган тўлов суммасининг 30 фоизи, “Ижрочи” томонидан буюртмага асосан хизматлар тўлик бажарилганидан сўнг, ҳисоб варакқа мувофиқ, қолган тўлов суммасининг 70 фоизни 10 банк иш куни ичида амалга оширади.

VIII. Тарафларнинг мулкӣ жавобгарлиги.

8.1. “Ижрочи”, буюртмага асосан белгиланган хизматлар турини кечиктирганда “Буюртмачи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун буюртманинг амалга оширилмаган қисми суммасининг 0,4 фоизи миқдорида жарима тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори амалга оширилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

8.2. “Буюртмачи”, “Ижрочи”га кўрсатилган хизматлар учун белгиланган тўлов суммасини тўлашни кечиктирганда кечиктирилган ҳар бир кун учун амалга оширилмаган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида жарима тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори амалга оширилмаган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

IX. Шартноманинг бажарилиши.

9.1. Мажбуриятлар мазкур шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши шарт.

9.2. Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминламаса, шартнома бажарилмаган деб ҳисобланади.

9.3. Бажарилган ишларни қабул қилиш бўйича ҳужжат тузилган сана “Ижрочи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

9.4. Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана бажарилган ишга ҳақ тўлаш бўйича “Буюртмачи” томонидан мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

X. Форс-мажор ва жавобгарликдан озод этиш.

10.1. Тарафлардан бири шартномани енгиб бўлмайдиган қуч, яъни фавқулодда муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини, ёнғинва бошқа табиий офатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини (форс-мажор ҳолати) исботланса жавобгар бўлмайди.

10.2. Форс-мажор ҳолатларини аниқлашда шартнома тарафлари катнашиши керак.

XI. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

11.1. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ ёки ундан келиб чиқадиган низолар томонларнинг келишувига асосан ҳал қилинади, келишувга эришилмаган низолар Наманган шаҳар иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

ХII. Яқунловчи қоидалар.

12.1. Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзоланган пайдан бошлаб кучга кириши ва 11.01.2023 йилгача амал қилади.

12.2. Шартнома тарафларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилди. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эга.

12.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда амалга оширилиши тарафларнинг вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

ХIII. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари.

"Ижрочи"



Х. Сулаймонова номидаги Республика суд
экспертизаси маркази Наманган вилоят бўлими
Манзили: Наманган шаҳар Ибрат кўчаси 6-уй
Тел./факс +998 69 227 07 55
Казначейство Мин. Фин. РУз
ХККМ МБ ББ Ташкент шаҳар
Банк 00014 МФО
ИНН 201122919
р/с 23402000300100001010
Республиканский центр судебной экспертизы
им. Х. Сулаймановой
Шхр 400110860262737038100009001

Бўлим бошлиғи  А. Джалилов



"Буюртмачи"

Davlat xizmatlari agentligi
Namangan viloyat boshqarmasi
Manzil: Namangan shahar, Davlatobod
tuman, qo'qumboy shoh ko'chasi, 7-uy.
ShHR: 400121860144017019502255001
STIR: 207268573, OKPO: 27446801
OKED: 82114, Indeks: 160115
MFO: 00014, Markaziy bank Toshkent sh.
Namangan vil. G'aznachilik boshqarmasi

 А. Кордиев
(имзо) (Ф.И.Ш)
 Н. Назимов

000506



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI X.S. SULAYMONOVA
NOMIDAGI RESPUBLIKA SUD EKSPERTIZASI MARKAZI"**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli kiritilgan holdagi to'liq nomi)

**"O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI X.S. SULAYMONOVA
NOMIDAGI RESPUBLIKA SUD EKSPERTIZASI MARKAZI"**

(Yuridik shaxsning qabul qilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

15.01.1996

000506-06

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi

(Sana uy (so'z bilan) xil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

200794455

Tashkiliy-huquqiy
shakli

Muassasa

Joylashgan joyi

Toshkent shahri, Mirobod tumani, FARG'ONA YO'LI KO'CHASI,

Guvohnoma

Toshkent shahri, Mirobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi)

